

ЭКСПОРТ
РЕЗИДЕНТОВ
IT-PARK В ПЕРВОМ
КВАРТАЛЕ
УВЕЛИЧИЛСЯ
В 3,5 РАЗА

5-бет.

TIKTOK
ПУЛ ИШЛАШ
УЧУН ЯНА БИР
ФУНКЦИЯНИ
ИШГА ТУШИРДИ

6-бет.

ХОТИН-ҚИЗЛАР
МАНФААТЛАРИ
ДОИМИЙ
ЭЪТИБОРДА

7-бет.



Gazeta 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

21 (1547)-son
27-may
2022

@xabaruzofficial
facebook.com/xabar.uz/
@xabaruzofficial

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz

МЕТА ЛОЙИХА ГРАНТИ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРДА



Қорақалпоғистонлик Бекназар Абдиқамолов ва Азиз Муртазоев сингапурлик ҳамкорлари Жастин Ким билан биргаликда Ami руҳий саломатлик бўйича стартап ишга тушириш учун Meta (Facebook) грантини қўлга киритдилар. Инвестициялар ҳажми 3 миллион долларни ташкил этди.

Лойиҳа руҳий саломатлик хизмати-ни янада қулайроқ қилиш учун онлайн маслаҳат сеансларини ўз ичига олади. Бу Осиё мамлакатларидаги бизнес эгаларига ўз ходимларининг руҳий саломатлигини яхшилаш имконини беради.

Стартап асосчилари таъкидлашча, бундай платформани яратиш гоёяси пандемиядан кейин пайдо бўлган, негаки Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2022 йил март ойидаги ҳисоботида кўра, пандемиядан сўнг бутун дунё бўйлаб депрессия, тушкунлик даражаси 25 фоизга ошган. “Биз Ami жамоасининг иштиёқи ва истеъдодидан ҳайратдамиз. Уларнинг Осиё аҳолисига руҳий саломатликларини сақлаш йўлида яна бир усул тақдим этиш саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқчимиз”, – деди Meta компаниясининг инвестициялар бўлими раҳбари Сунита Парасураман.


ИНТЕРНЕТДАГИ ЖИНОЯТЛАР ВА ЗАРАРЛАРИ

(Жаҳонда интернетда содир этилган жиноятлар етказган зарар)

2015 йил – \$1,1 млрд.
2016 йил – \$1,5 млрд.
2017 йил – \$1,4 млрд.
2018 йил – \$2,7 млрд.
2019 йил – \$3,5 млрд.
2020 йил – \$4,2 млрд.
2021 йил – \$6,9 млрд.



Манба: ФҚБ интернетдаги жиноятлар бўйича шикоят маркази



Олдингизга катта марраларни қўйинг ва ишингизни тўлиқ трансформация қилишга интилинг

Замонавий технологиялар шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кунда янгидан янги рақамли воситалар пайдо бўлмоқда. Компанияларнинг кўпи “ёки ишла, ёки ёпил” қабилдаги ҳолатга тушиб қолган. Уларнинг раҳбарлари эса харажатларни камайтириш ва ишлаб чиқаришни кўпайтириш усулларини қидиришяпти.

Бизнес жараёнларни оптималлаштиришда, биринчи навбатда, кадрлар масаласини ҳал қилиш зарур. Яъни, “Бизга телефон орқали мурожаатларга жавоб берадиган ва тегишли масъулларга йўналтирадиган ходим қанчалик керак?” деган саволга жавоб беришимиз керак бўлади. Бошқача айтадиган бўлсак, ақл ишлатишга зарурат бўлмаган катта ҳажмдаги вазифаларни бажариш учун бизга штат бирлиги керакми? Бундай саволларга бизнесни рақамлаштириш орқали жавоб топиш мумкин.

Шу ерда “рақамлаштириш” иборасига таъриф бериб ўтсак. Рақамлаштириш деганда, бизнес жараёнларни оптималлаштириш, компаниянинг ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш ва мижозлар билан ҳамкорликни яхшилаш учун рақамли технологиялардан фойдаланишни кўзда тутувчи бизнесни трансформациялаш тушунилади. Мижоз ва компания ўртасида янада қулай ва тезкор ҳамкорликни ташкил қилиш рақамлаштиришнинг асосий босқичларидан ҳисобланади. Бироқ, “Бизнесни рақамлаштириш нима?” деган саволдан келиб чиқадиган бўлсак, ушбу жараён қўйидаги мақсадларга эга эканлигини таъкидлаб ўтишимиз лозим:

- маҳсулот (ёки хизмат)ни, унинг сифатини, жозибдорлигини, фойдаланишда қулайлигини, етказиб бериш хизматини яхшилаш;
- компаниянинг ишлаб чиқариш ва бошқа ички жараёнларини автоматлаштириш;
- ички ва ташқи коммуникацияларни соддалаштириш.

Рақамлаштиришни жорий этишнинг муҳимлиги

Бугунги кунда кўпгина корхона раҳбарлари ва тадбиркорлар ўз бизнесини ўзгартириш зарурати пайдо бўлганлигини англаб етмоқдалар. Улар умумжаҳон рақамлаштириш концепциясига қарши курашиш бефойдалигини – буни қабул қилиш кераклигини ва компаниялар уни қандай қилиб жорий этиш мумкинлигини тушунишлари керак.

Бу жаҳон иқтисодийётида янги технологик юксалиш амалга оширишга ёрдам берадиган энг муҳим йўналишлардан биридир. Ўз бизнесининг рақамли трансформациясини бугун бошламаган компаниялар самарасиз бўлади ва янги бозор ҳақиқатлари ва эртанги куннинг янада прагматик “рақамли” рақобатчилари босими остида шунчаки йўқ бўлиб кетади.



Жумадан
жумагача

19 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 19 май куни геология соҳасини янада ривожлантириш, фойдали маъданлар ва ерости суви захираларини кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар тақдими билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 23 май куни спортни оммалаштириш ва иқтидорли спортчиларни тайёрлаш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда спортчиларни тайёрлаш ва селекция қилиш бўйича янги тизим жорий қилиниши белгиланди.

Президент Шавкат Мирзиёев 24 май куни нефть-газ хомашёсини қазиб олиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш масалалари муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказилди. Мамлакатимизда нефть-газ соҳасида ҳам трансформация жараёнлари бошланган. Йиғилишда давлатимиз раҳбари, аввало, шу масалага эътибор қаратиб, бу жараёни жадаллаштириш зарурлигини таъкидлади. Халқаро консалтингларни жалб қилиб, стратегик ёндашувларни белгилаб олиш, нефть-газ соҳасида ҳисоб-китоб механизмлари шаффофлигини таъминлаш вазифалари кўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 май куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

25 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда мактаб таълимидаги ислохотларнинг бориши муҳокама қилинди. Унда педагогик таълимни трансформация қилиш, университетга қабулни такомиллаштириш, илмий салоҳиятни ошириш ва ўқишни амалиёт билан боғлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор эълон қилинди.



Мудофаа вазирлигининг Ахборот-коммуникация технологиялари ва ҳарбий алоқа институтида жорий йилдан бошлаб киберхавфсизлик факултети ташкил қилиниб, тармоқ хавфсизлиги бўйича мутахассислар тайёрланади.

Шерзод ШЕРМАТОВ ҲАРБИЙ ИНСТИТУТГА БОРДИ

Ахборот технологиялари ва Акоммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов мазкур институтга борди. Ташриф давомида институтдаги шароитлар, ўқув-тарбия жараёни, замонавий таълим воситалари, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари қай даражада жорий этилгани билан танишди, малакали ҳарбий АКТ мутахассисларини тайёрлаш бўйича ўзаро ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилди.

Шу билан бирга, институт талабалари билан очиқ мулоқот ўтказди. Мулоқотда институтда АКТ соҳасида олиб борилаётган янги изланишлар, яратилаётган дастурий маҳсулотлар тақдим этилди, соҳа раҳбари дастурий маҳсулотлар

бўйича ўз мулоҳаза ва таъкифларини билдирди.

Шунингдек, алоқа бўйича ҳарбий мутахассисларни тайёрлашнинг кенг қўламли тизимини йўлга қўйиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бўйича ўз фикрларини айтиб ўтди.

Маълумот ўрнида: Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва ҳарбий алоқа офицер кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Махсус факултети негизда ташкил этилган.

Ҳарбий институтда ўқиш даври икки йиллик бўлиб, Алоқа қўшинлари тактик қўмондонлик-муҳандислиги; Махсус алоқа ва давлат сирларини муҳофаза қилиш тактик қўмондонлик-муҳандислиги; Ахборот тизимлари ва технологиялари тактик қўмондонлик-муҳандислиги; Радиоэлектрон разведка ва кураш тактик қўмондонлик-муҳандислиги; Ҳаво ҳужумидан мудофаа радиотехника қўшинлари тактик қўмондонлик-муҳандислиги; Ҳаво ҳужумидан мудофаа зенит-ракета қўшинлари тактик қўмондонлик-муҳандислиги; Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари тактик қўмондонлик-муҳандислиги каби 8та йўналиш бўйича тактик бўғиндаги офицер кадрлар тайёрланмоқда.

Анжуман

ИНҲАда “EPAM Insider: Tashkent” конференцияси бўлиб ўтди

IT-Парк резиденти EPAM Systems томонидан ўтказилган ушбу конференцияда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов, IT-Парк Uzbekistan директорининг халқаро алоқалар бўйича ўринбосари Баҳодир Аюпов, EPAM Uzbekistan бош директори Ренат Ахтямов, шунингдек, IT соҳаси мутахассислари ҳамда университет раҳбарияти ва талабалари иштирок этди.

Анжуманда IT соҳасида карера қилиш, соҳага энди кириб келаётганлар қаторида тажрибали мутахассислар учун ривожланиш истиқболлари, IT-таълим йўналишлари, иш жойида ижобий муҳит яратиш мавзулари эътибор марказида бўлди. Бундан ташқари, реал ҳолатлардан мисол тариқасида экспертлар Forbes Global 2000 рўйхатидан ўрин олган турли технологиялар, компания лойиҳалари, йирик жаҳон брендлари учун ишлаб чиқилган ечимлардан фойдаланиш бўйича ўз тажрибалари билан бўлишди.

Шунингдек, тадбир давомида FrontSpot, DevOps Minsk, JaCoV, ProNet, Agile Uzbekistan, ProQuality, MJC, GDG Tashkent каби IT-ҳамжамиятлари тақдими ўтказилди.

Мутахассислар учрашув иштирокчиларини қизиқтирган саволларга жавоб бериб, тадбир сўнгида совринлар ўйналди.



РАҚАМЛИ БИЗНЕС

Олдингизга катта марраларни қўйинг ва ишингизни тўлиқ трансформация қилишга интилинг

Ички жараёнлар

Бизнес жараёнларини рақамлаштириш корхонанинг ички ва ташқи коммуникацияларининг муҳим қисмини автоматлаштиришни ўз ичига олади. Нафақат логистика, балки компаниянинг ички бизнес жараёнларини ҳам роботлаштириш мумкин, масалан, пудратчилар билан ишлаш жараёнини. Аввалги даврда буюртмани шакллантириш; уни бухгалтериядан ўтказиш ва тўлов ҳисобини бериш; буюртмага ишлов беришни бошлашни келишиш; тўлов фактини мониторинг қилиш; ишлаб чиқариш/етказиб беришга буюртмани шакллантиришлар талаб этилар эди.

Ушбу босқичларни шундай роботлаштира бўладики, биронта ҳам ходим смартфонга қўл ҳам теккизишига ва биронта ҳарф терилишига зарурат қолмайди.

Рақамлаштиришни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича тайёр йўриқномани ҳеч ким тақдим эта олмайди. Фақатгина бизнесни ичкаридан билган ҳолда тўғри мақсад қўйиш ва бизнесни рақамлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш мумкин. Шунингдек, рақамлаштириш йўлида хатоларга ва нотўғри "буриллишлар" га тайёр бўлиш ҳамда уларга босиқлик билан муносабатда бўлиш зарур. Хатоликлар ҳар қандай ўзгаришларнинг таркибий қисмидир, шунинг учун бу хатоликлар тўсиқ бўлмаслиги керак – эртаими кечми барча рақамлаштиришга ўтади.

Аксарият ҳолатларда рақамлаштириш уч босқичда амалга оширилади. 1. Компанияни таҳлил қилиш, мақсадларни қўйиш ва стратегияни ишлаб чиқиш.

Даставвал компаниянинг барча бизнес жараёнларини ва стратегия активларини таҳлил қилиб чиқиш керак: барча бўлинмаларнинг, ишлаб чиқаришнинг, ички ва ташқи коммуникацияларининг самарадорлигини аниқлаш лозим. Уларни рақамли технологиялар ёрдамида қандай яхшилаш мумкинлиги ҳақида ўйлаш зарур.

Ушбу босқичда компания рақамлаштириш эвазига эриша оладиган аниқ мақсадни қўйиш мумкин ҳисобланади. Мазкур мақсадга эришиш стратегиясини шакллантириш керак бўлади. Хавфларни камайтириш учун бу масалага эътибор ва масъулият билан ёндашиш зарур. Стратегияни ишлаб чиқаётганда янги технологиялар бизнесни ўзгартириш учун эмас, балки бизнес жараёнларни содалаштириш учун кераклигини ёдда тутиш муҳим.

2. Рақамли технологияларни жорий этиш.

Аниқ ҳаракатлар режаси тайёр бўлганидан ва зарур рақамли воситалар танланганидан кейин ишга киришиш мумкин. Янги технологияларни жорий этиш, уларни синовдан ўтказиш, техник хатоликларни тузатиш, ходимларни ёки мижозларни ўқитиш учун вақт керак бўлади. Шунинг учун қандайдир натижаларни кўрмоқчи бўлсангиз, бироз кутишга тўғри келади.

3. Натижаларни таҳлил қилиш. Ҳар бир рақамли ечимни татбиқ

этидан сўнг унинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва компанияга иқтисодий зарар келтиряптими ёки аксинча – қўшимча даромад ва ёхуд бошқа манфаат келтираётганига ишонч ҳосил қилиш зарур.

Бизнес жараён – яқиний бизнес-мақсадга эришиш учун ходимлар, мижозлар ва ҳамкорлар томонидан бажариладиган вазифалар. Шунинг учун миқёси кенгайтириладиган бизнес жараёнлар – ҳар қандай муваффақиятли корхонанинг асоси ҳисобланади.

Компанияни заиф ҳолатдан янги имкониятлар сари етаклайдиган 7 босқичдан иборат режа қуйидаги кўринишга эга.

1-босқич – Мақсадни белгилаш. Ҳар бир жараён учун аниқ мақсадлар тузилмаси ва муваффақият кўрсаткичлари ишлаб чиқиши, яқиний мақсадлар белгилаб олиниши зарур. Баъзилар бунга асосий натижаларни белгилаш деб аташади, бироқ барча ўзи хоҳлаганидек аташи мумкин. Асосий уруғ бу ерда мақсадни ва миқдорий кўрсаткичларни ишлаб чиқишга – вақт ва харажатларни иқтисод қилишга, мижозларнинг қониқтирганигига берилади. Буларнинг ҳаммаси қутилаётган натижага эришишга ёрдам беради.

2-босқич – Жараёнларнинг ҳажми. Қайси турдаги бизнес жараёнини рақамлаштириш кераклигини аниқлаш лозим. Одатда бизнес жараёнларнинг учта асосий тури мавжуд бўлади: операцион, бошқарув ва ёрдамчи.

Операцион жараёнлар – маҳсулот ва хизматларни яратиш, ишлаб чиқиш ва мижозларга етказиш учун зарур бўлган асосий жараёнлар.

Бошқарув жараёнлари – бюджетни ва стратегик ўсиш имкониятларини кузатиб борадиган ва назорат қиладиган тизимлар.

Ёрдамчи жараёнлар – техник қўллаб-қувватлаш, офис маъмурлаштириш ва мижозлар аризалари билан ишлаш каби ҳар қандай бизнеснинг сервер қисмида фойдаланиладиган тизимлар.

Жараёни рақамлаштириш турларининг қайси бири кераклигини билиш қуйидагиларни аниқлашга ёрдам беради:

- қайси томонларни жалб этиш лозим;
- қандай илғор тажрибани таҳлил қилиш зарур;
- қайси мезонлардан фойдаланиш керак.

3-босқич – Рақамли бизнес-моделини аниқлаш. Компания нимага эришмоқчи эканлигига қараб, самарали ўсиш ва кенгайтиш имконини берувчи рақамли бизнес моделини танлаш лозим.

Рақамли бизнес моделини аниқлашнинг энг яхши усули бу турли рақамли платформалар томонидан корхоналарга инновацияларни жорий қилиш ва пайдо бўлаётган тенденциялардан фойдаланишга қандай имкон бериши даражасини ўрганишдир. Рақамли бизнес моделлари ташкилотларга мижозлар эҳти-

ёжларини ноёб усулларда қондириш учун технологиялардан фойдаланиш имконини беради. Ушбу усуллар рақобатчилик муҳитини яратади ва молиявий барқарорликни таъминлайди. Ягона тўғри ёки нотўғри бизнес модели мавжуд эмас, бироқ танланган модел бизнеснинг келажакдаги салоҳиятига катта таъсир кўрсатади. Компания мижозлари ва жамоаси рақамли бизнес моделини ишлаб чиқиш ҳақида қанчалик кўп ўйласа, рақамли имкониятлардан максимал даражада фойдаланиш имконияти шунчалик кўпаяди.

4-босқич – Оптималлаштириш. Бизнес жараёнларини анъанавий кўринишдан рақамлига ўтказишдан олдин уларни бир бутун яхлитлик сифатида кўриш зарур. Мавжуд жараёнларни автоматлаштириш қилишдан чиқиш ва керак бўлганда, ўз жараёнларни яратиш ёки ихтиро қилишни бошлаш лозим. Рақамли ташкилотни яратиш бир вақтлар қўлда бажариладиган жараённи автоматлаштиришдан кўпроқ нарсани англатади. Операцион самарадорликни ошириш, маълумотларни йиғишни яхшилаш ёки қарор қабул қилишни тезлаштириш учун жараёнларни ўзгартириш ёки созлаш, уларни қайта ихтиро қилиш ёки оптималлаштириш имкониятларини қидириш керак.

5-босқич – Дастурий платформалардан фойдаланиш. Рақамли трансформация ҳар доим дастурий таъминотни ўз ичига олади. Аксарият йирик ташкилотлар корпоратив дастурий ечимларга таянади. Дастурий таъминотлар компанияларга бизнесларини бошқаришга ёрдам беради: маркетинг ҳамда сотишдан тортиб операциялар ва молиявий бошқарувгача бўлган барча масалаларни ҳал қилади.

Gartner маълумотларига кўра, 2023 йил охирига бориб корпоратив дастурий таъминот бозори тахминан 634 миллиард долларни ташкил қилиши кутилмоқда.

Рақамли трансформацияни кескин тезлаштирадиган катта тенденция кодсиз дастурий таъминотлардир. Нега? Чунки кодсиз дастурий таъминот ҳар кимга дастурлаш билимисиз бизнес жараёнини аниқлаш ва кенгайтириш имконини тақдим этади. Бу дастурий таъминотни "демократлаштиради", шунинг учун мослаштирилган ечимлар нафақат катта ойлик эвазига ишловчи маслаҳатчилар ва дастурчиларда, балки барча хоҳловчиларда ҳам бўлади.

Gartner компаниясининг тахминларига кўра, 2023 йилда барча дастурий таъминотларни ишлаб чиқишнинг 65 фоиз паст кодли ёки кодсиз дастурий таъминот иловалари ёрдамида амалга оширилади ва паст кодли дастурий таъминот платформаларига харажатлар 21 миллиард долларни ташкил қилади.

Кодсиз дастурий таъминот одатда хизмат (SaaS) сифатида сотилади ва фойдаланувчиларга инновацияларни ва янги маҳсулотларни ишлаб чиқишни рағбатлантириш; мижозларнинг тажрибасини яхшилаш; бизнес жараёнлари ва операцияларини оптималлаштириш; таҳлил ва ҳисобларни қўллаб-қувватлаш; ташқи ҳамкорга ҳамкорлик қилишга руҳлат бериш имкониятларини тақдим этади.

Кодсиз дастурий таъминотдан фойдаланиш барча соҳалар учун долзарбдир. Технологиядан фойдаланиш учун энди дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бўйича мутахассис бўлиш шарт эмас.

6-босқич – Йўл харитасини тузиш. Рақамли трансформация йўл харитаси ташкилотнинг асосий рақамли стратегик мақсадларининг аниқ, вақтга асосланган визуал тасвиридир.

"Йўл харитаси" рақамли стратегияни ходимларга осонгина етказиш учун фойдалидир. Шундай қилиб, ҳар бир киши рақамли технологиялар ва жараёнлар компаниянинг мавжуд мақсадларини қандай қўллаб-қувватлашини ва унинг қарашлари ва миссиясига эришиш ва ривожлантиришга ёрдам беришини кўриши мумкин. Стратегик восита сифатида "Йўл харитаси" янги жараёнларни яратиш учун амалга оширилиши керак бўлган аниқ ҳаракатларни тавсифлайди.

7-босқич – Маълумотлар билан ишлаш. Узок муддатли, юқори хавфли лойиҳалардан эмас, балки тежамкор ёндашувлардан фойдаланган ҳолда ишлаш зарур. Узлуксиз ривожланиш, такрорлаш ва тезкор ишга тушириш – мана бу ҳақиқатдир. Буни ҳисобга олиш муҳим.

Бизнес жараёнларини рақамлаштиришга содиқ қолаётганингизга ишонч ҳосил қилишнинг энг яхши усули бу сизнинг умидларингиз ва интилишларингизни ифодалашдир. Олдингизга катта марраларни қўйинг ва бизнесингизда бозор ва мақсадли аудитория эҳтиёжларига мос бўлган рақамли бизнес жараёнларни жорий қилган ҳолда ишингизни тўлиқ трансформация қилишга интилинг.

Хуллас, бизнесни рақамлаштириш асосий йўналишлардан бири бўлиб, жорий йилда унинг капиталлашуви 19 фоизга ўсди. Дунёда содир бўлаётган ҳодисалар рақамлаштириш жараёнини янада тезлаштиришга сабаб бўлмоқда. Агар ушбу жараён тўғри амалга оширилса, бу ҳар қандай ўзгаришларга бардошли бизнесни яратишга олиб келади.

Шохруҳ РАҲМАТ,
"Ахборот технологиялари ва ахборот ресурсларини ривожлантириш маркази" ДУК лойиҳалар бажарилишини назорат ва таҳлил қилиш бўлими бошлиғи



АКТ СОҲАСИ ТАРАҚҚИЁТИ

Барча соҳалар ривожига ҳамда аҳоли турмуш тарзини яхшилашга ҳисса қўшади

Маълумки, 2022 йил 14 апрел куни ахборот технологиялари ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ислохотлар натижадорлиги ҳамда соҳада 2022 йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан ўтказилган йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан берилган топшириқ, кўрсатма ва тавсиялар соҳа мутасаддилари зиммасига катта масъулият юклади. Қолаверса, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида рақамли иқтисодиётни “драйвер” соҳага айлантириш зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтилганлиги ҳам бежиз эмас.

Хўш, бугунги кунда мазкур йўналишда, хусусан, ИТ соҳасини ривожлантиришда Бухоро вилоятида қандай тизимли ишлар амалга оширилмоқда? Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиги Алижон ЯХШИЕВ билан мулоқотимиз шу хусусида бўлди.

– Алижон Аҳрорович, келинг, суҳбатимизни бугунги кунда вилоят аҳолиси ҳамда корхона ва ташкилотларга кўрсатилаётган ахборот технологиялари хизматларидан бошласак.

– Бажонидил. Биласизми, сўнгги тўрт йилда вилоятимизда ахборот технологиялари соҳасида хизмат кўрсатиш ҳажми 1,4 баробарга ошиб, 504,8 млрд. сўмга етказилди. Вилоятда аҳоли жон бошига тўғри келган алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми эндиликда 257,3 минг сўмни ташкил этиб турибди. Шундан, компютер дастурлаш хизматлари ҳажми 6,1 баробарга ошиб, 29 млрд. сўмга етказилди.

Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида 2021 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида 5560 км. узунликдаги оптик толали алоқа тармоқлари

тортилди, симли телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи 126 144 портли 73та янги замонавий станциялар ишга туширилди.

Шунингдек, вилоятда мобил алоқа қамровини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида 173та мобил алоқа база станциялари қурилиши ҳисобига, мобил алоқа қамрови 99 фоизга ҳамда интернет хизматлари билан қамраб олиш даражаси 86 фоизга етказилди.

Барча ижтимоий соҳа объектилари (халқ таълими, мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари), маҳалла фуқаролари йиғинлари ҳамда профилактика инспекторлари биноларига тўлиқ оптик толали алоқа линиялари тортиш орқали юқори тезликдаги интернет хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилди.

– Президентимиз таъкидлаганидек, юртдошларимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарасини эртага ёки олик келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётларида ҳис этишлари керак.

Шу маънода ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, Бухоро вилоятининг олис ҳудудлари ва чекка қишлоқларини, магистрал автомобил йўлларини мобил алоқа ва интернет қамрови билан таъминлаш юзасидан бажарилиши лозим бўлган асосий вазифалар хусусида ҳам тўхтаб ўтсангиз.

– Дастлаб шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, вилоятда телекоммуникация тармоғини ривожлантириш устувор вазифалардан бирига айланганлиги боис, кейинги пайтда бу борада мукамал лойиҳалар ижросини таъминлаш ва аниқ ишларни бажаришга дадил қўл урилмоқда. Жорий йил октиригача умумий узунлиги 3 минг 956 км.дан иборат оптик толали алоқа линиялари қуриш, жойларда 48 минг 640 порт қурилмаларини ҳамда 76та мобил алоқа таянч станцияларини ўрнатилди, 20та

Wi-Fi ҳудудларини ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, мазкур йўналишдаги ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда.

– Алижон Аҳрорович, шу йилнинг 14 апрел куни ўтказилган йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистонни минтақавий ИТ марказга айлантириш вазифаси қўйилдики, бунда жойлардаги ИТ-Парклар, ИТ компаниялар сонини ошириш ҳамда уларнинг фаолиятини самарали йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

– Фикрингизни тушундим. Ахборот технологиялари соҳасида малакали кадрларнинг етишиб чиқиши, ушбу соҳада янги корхона ва ташкилотларнинг сонини ошириши ва иқтисодиётни ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатади. Мазкур йўналишдаги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида, вилоятда ИТ-Парк Бухоро филиали ташкил этилган бўлиб, бугунги кунга қадар унинг резидентлари томонидан кўрсатилган дастурий маҳсулотлар ички айланмаси 6,4 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

ИТ-Парк Бухоро филиали ва Бухоро давлат университети ҳамкорлигида Инкубация ва стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш маркази фаолияти йўлга қўйилди. Марказда филиал малакали мутахассислари ва университет талабалари ҳамкорлигида ИТ-стартап лойиҳаларни тайёрлаш бўйича дастлабки ишлар амалга оширилмоқда.

– Шу ўринда вилоят, шаҳар ва туманларидаги Рақамли технологиялар ўқув марказлари фаолияти ҳақида ҳам сўз юритсангиз. Соҳадаги кластер тизими ҳам кўпчиликни қизиқтиряпти...

– Шуни алоҳида эътироф этишим керакки, Рақамли технологиялар ўқув марказларида биргина кейинги пайтда жами 6 053 нафар тинловчи компютер саводхонлиги, веб-дастурлаш, мобил дастурлаш, трафик дизайн, робототехни-

ка, киберспорт ва ИТ-English каби турдош йўналишлар бўйича таҳсил олиб, тегишли сертификатларга эга бўлишди.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 92 301 нафар иштирокчи рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 52 801 нафари дастурлаш бўйича ўқув курсларини муваффақиятли якунлаб, тегишли сертификатлар олишди. Бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш мақсадида умумтаълим мактаблари, техникумлар, олий таълим муассасалари талаба ва ўқувчилари билан бирга маҳорат дарслари ва семинар тренинглар доимий равишда ўтказиб келинмоқда.

Амалга оширилган ишларнинг давоми сифатида вилоятнинг Қорақўл туманида ИТ-кластер ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, мазкур кластерда ИТ-университет, ИТ-инкубация маркази, ИТ-мактаб, Қорақўл халқаро математика мактаби ҳамда Рақамли технологиялар ўқув марказини ташкил қилиш орқали 3000 нафарга яқин малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳам режалаштирилган.

Жорий йил якунига қадар вилоятнинг Бухоро ва Когон шаҳарлари, Вобкент, Қорақўл ва Гиждувон туманларида Масофавий хизматлар экспорти марказларини ташкил этиш кўзда тутилган. Уларда фаолият кўрсатувчи кадрларни ўқитиш ҳам асосий эътиборда бўлиб, бу, ўз навбатида, келгусида Масофавий хизматлар экспорти марказлари иш фаолияти самараси ўлароқ чет эл бозорларидан юртимизга буюртмаларни жалб қилиш имконини ҳам беради.

Ахборот технологиялари соҳаси вакилларининг асосий мақсади АКТ соҳасини ривожлантириш орқали барча соҳалар тараққиётига эришиш ҳамда аҳоли турмуш тарзини яхшилашдан иборатдир.

– Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат!

Асқар ИСТАМОВ
суҳбатлашди

МИНИСТР ИКТ ВЫСТУПИЛ С ДОКЛАДОМ НА ПРЕЗЕНТАЦИИ ОНЛАЙН-ПЛАТФОРМЫ



24 мая в Hilton состоялось мероприятие, посвященное презентации онлайн-платформы «Человеческое достоинство» и пакета «Стратегия развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы».

В конференции приняли участие представители и эксперты министерств, ведомств и организаций, общественных организаций и институтов гражданского общества, ответственных за реализацию новой стратегии развития Узбекистана на 2022–2026 годы, а также представители местных и зарубежных СМИ.

В презентации также принял участие министр ИКТ Шерзод Шерматов, выступив с докладом на тему: «Организация процесса цифровизации при мониторинге реализации Стратегии развития».

Через запущенную онлайн-платформу davlatdasturi.uz население теперь может подробно ознакомиться с реализацией мероприятий, намеченных в государственных программах, а также высказать свое мнение, предложения и возражения по реализации соответствующего направления и предстоящей работе.

в государственных программах, а также высказать свое мнение, предложения и возражения по реализации соответствующего направления и предстоящей работе.

ЭКСПОРТ РЕЗИДЕНТОВ IT-PARK В ПЕРВОМ КВАРТАЛЕ УВЕЛИЧИЛСЯ В 3,5 РАЗА

На 1 апреля в IT-Park было зарегистрировано 588 компаний. По сравнению с началом года добавилось 65 резидентов, сообщила пресс-служба технопарка.

В январе–марте резидентство получили 80 компаний — в три раза больше, чем за первый квартал прошлого года. Из них 23 компании были учреждены в начале года. Кроме того, 14 фирм потеряли статус и 43 получили отказ.

Как и прежде, большая часть резидентов IT-Park работает в столице — таких компаний 479. Однако численность IT-компаний в регионах за квартал росла немного быстрее — на 18,5% — и достигла 109.

За первый квартал резиденты IT-Park оказали услуг на 814 млрд. сумов — в основном по разработке ПО, обработке данных, автоматизации бизнес-процессов и обучению. За год цифра поднялась на 186%, или почти в три раза.

121 компания-резидент технопарка занимается экспортом услуг. Почти половину из них составляют фирмы в сфере разработки, отмечается в сообщении.

Экспортёры в первом квартале заработали \$17,3 млн., увеличив выручку в 3,5 раза к уровню 2021 года. К концу года ожидается достижение отметки в \$100 млн.

Доля США в географической структуре экспорта увеличилась до 85,2%. Остальное приходится на Великобританию, ОАЭ, Южную Корею и страны СНГ (более подробные цифры не приводятся).

В конце 2021 года глава Мининфокома Шерзод Шерматов поставил задачу увеличить цифровой экспорт до \$1 млрд. Для этого он рекомендовал упростить выдачу виз IT-специалистам и технологическим инвесторам.

Практической реализацией указания министра стала программа привлечения зарубежных IT-работников TashRush. Также для них ввели специальные визы и упростили приём на работу.

В страну начали переезжать IT-компании из России и Беларуси, работающие с зарубежными клиентами. Например, EPAM перевезла сюда около 1000 работников из России и Беларуси.



ПОБЕДИТЕЛЯМИ КОНКУРСА «НАСЛЕДНИКИ МИРЗО УЛУГБЕКА» СТАЛИ 100 ЧЕЛОВЕК

Подшел к концу заключительный этап республиканского конкурса «Наследники Мирзо Улугбека», организованного фондом «Улугбек» по поддержке талантливой молодежи, Министерством инновационного развития и Агентством по делам молодежи. Определены победители: 100 из 280 финалистов.

Три дня столичный технопарк Inno «кипел» от инновационных идей, которые финалисты интеллектуального смотра привезли со всех уголков Узбекистана. Участники конкурса презентовали наработки в таких сферах, как инновационное производство на основе минитехнологий, робототехника, оказание инновационных услуг, программирование, VR и AR, сельское хозяйство и биотехнологии, альтернативная энергетика, здоровье, искусственный интеллект и 3D-прототипирование.

Несмотря на относительно юный возраст, финалисты представили серьезные, прогрессивные, а главное — полезные разработки, реализация которых может решить немало актуальных вопросов в социально-экономической сфере. С особым интересом встречали технологические проекты: смарт-скамейку, отдыхая на которой можно зарядить телефон и насладиться прохладой от работающего здесь же вентилятора; разработку, которая продлит срок службы аккумуляторов Tesla на 5–6 лет; систему «Умный дом» и прочее. Помимо этого участники представили немало мобильных платформ, а также образовательных проектов.

На каждом этапе конкурса «Наследники Мирзо Улугбека» участники получали денежное вознаграждение (5 БРВ и 10 БРВ). Финалисты, помимо возможности бесплатно обучаться на целевых учебных курсах, организованных фондом «Улугбек», получают 20 БРВ. Эти средства выделяются не на реализацию проектов, а в качестве поощрения и стимулирования ребят. Но это не значит, что после окончания конкурса их разработки отправятся на полку — Мининновации предусмотрело для их реализации специальные гранты.

Церемония награждения победителей прошла в столичном Центре молодежи. Решением комиссии, помимо обозначенных правилами проведения конкурса 100 участников, еще 11 человек награждены в специальных номинациях.



UZTELECOM – ПОБЕДИТЕЛЬ «БРЕНД ГОДА 2021»

21 мая текущего года состоялась церемония награждения победителей пятой премии «Бренд года 2021», которая включает в себя интерпретацию экспертов Национальной ассоциации маркетинга и результаты открытого голосования потребителей.

Национальный оператор UZTELECOM, который сегодня предоставляет телекоммуникационные услуги в отдаленные районы и с каждым днем совершенствует качество своих услуг, стал победителем потребительского конкурса в номинации «Телекоммуникации и Интернет».

Объявление победителей премии в необычном формате еще больше подогрело интерес к результатам. Результаты этого года были основаны на выборе членов, партнеров и экспертов Национальной ассоциации маркетинга, а также на отзывах потребителей.

Голосование проходило в апреле–мае. Стоит отметить, что UZTELECOM участвует в подобных конкурсах уже несколько лет. В 2020 году компания победила в конкурсе «Бренд года» в номинации «Лучший интернет-провайдер», а в 2021 году АК «Узбектелеком» с проектом как повысить лояльность к UZTELECOM™ завоевала золотую медаль на фестивале рекламы TAF-Tashkent в номинации «Создание программ лояльности в обществе, сообществах».

ИСКУССТВЕННЫЙ ИНТЕЛЛЕКТ СПЕРВЫЕ ОБОШЕЛ ЧЕЛОВЕКА ПО РАЗГАДЫВАНИЮ КРОССВОРДОВ

Berkeley Crossword Solver — искусственный интеллект от Университета Беркли — впервые обошел человека на Американском турнире по разгадыванию кроссвордов. Алгоритм без ошибок решает 81,7% головоломок, не путает и не пропускает буквы. Этот результат на четверть лучше, чем у алгоритма-предшественника.

Разгадывание кроссвордов — хорошая возможность потренировать языковые навыки искусственного интеллекта. Ему нужно понимать игру слов, обращаться к большой базе знаний и подбирать «пересекающиеся» варианты.

Berkeley Crossword Solver обучался на 6,4 миллиона пар вопросов-ответов.

Вначале алгоритм генерирует все возможные варианты ответов на вопрос, затем отсеивает их с учетом ограничений: количества букв и необходимых пересечений.

До Berkeley Crossword Solver самым успешными алгоритмами были Dr. Fill и Proverb. На турнирах они занимали 141 и 213 места.

Новый искусственный интеллект в 2021 году взял первое место среди тысяч участников. Подробно рассказать об этом создатели Berkeley Crossword Solver решили только сейчас.



ТИКТОК ПУЛ ИШЛАШ УЧУН ЯНА БИР ФУНКЦИЯНИ ИШГА ТУШИРДИ

TikTok 26 майдан пулли обуна трансляцияларини йўлга қўйди. Янги дастурнинг номи — TikTok LIVE.

TikTok LIVE обуначилари эксклюзив чат, фарқли ёрликлар ва махсус стикерлардан фойдаланишлари мумкин.

TikTok LIVE хизматига обуна нархи ойига \$5 дан \$25 гача бўлиши кутилмоқда.

Янги хизматдан 18 ёшдан катталар фойдаланишлари мумкин. Пулли обуна функциясини ёқиш имкониятидан фақат обуначилари сони камида 1 минг нафар бўлган блогерлар фойдалана олишади.

Авалроқ TikTok сервиси контент эгалари билан рекламадан тушган пуллари бахам кўришини маълум қилганди.

STARLINK ТЕЗЛИК БОБИДА СИМЛИ ИНТЕРНЕТДАН ЎЗИБ КЕТДИ

Ўтказилган тест синовлари бутун дунё бўйлаб йўлдошли Starlink интернетининг тезлиги кенг поласали улашни тезлик

бобида орта қолдирганини кўрсатди. Маскнинг интернетда юклаб олиш тезлиги 301 Мбит/с.га етди.

Бироқ Starlink бир текис ишламаслик ва интернетга юклаш тезлиги борасида нуқсонлардан халос бўлган эмас.

Тезликни Висконсин (АҚШ)да яшовчи Reddit фойдаланувчиси қайд этди. У фойдаланаётган Starlink тармоғида юклаб олиш тезлиги 301 Мбит/с.гача чиқди. Бу Ookla сервиси бутун АҚШ худуди бўйлаб кузатган Starlink тармоғидаги ўртача юклаш тезлигидан анча юқори. Висконсинлик фойдаланувчининг юклаш (Upload) тезлиги 20,5 Мбит/сонияни, ушланишлар эса 78 миллисекундни ташкил этди.



Starlink — Илон Маск асос солган SpaceX компаниясининг йўлдошли интернет лойиҳаси. Қарийб 30 мамлакат ушбу сервисдан фойдаланишни бошлаган.

БИЛЛ ГЕЙТСНИНГ СЕВИМЛИ СМАРТФОНИ

Microsoft асосчиси Билл Гейтс Reddit савол-жавоблар сессияси (AMA, Ask me anything)да қатнашди.

"Билл Гейтс қанақа телефон ишлатади?" Reddit фойдаланувчисининг ушбу саволига жавобан тадбиркор Android экотизимини яхши кўришини айтди. "Мен

ҳозир Samsung Galaxy Z Fold 3ни ишлатаман", — қўшимча қилди миллиардер. Билл Гейтснинг таъкидлашича, букилувчи форм-фактори сабабли ундан ҳам смартфон, ҳам портатив компютер сифатида фойдаланиш қулай. Умуман олганда, Гейтс вақти-вақти билан смартфонларини янгилаб туради.

Кўплаб фойдаланувчилар Microsoft компанияси Windows базасида смартфон ишлаб чиқаришни тўхтатганини танқид қилишди. "Менга на iOS, на Android ёқади, бироқ икковидан бирини танлашга мажбурман", — деди таххуанг ники остидаги фойдаланувчи. "Windows Phone тизимининг содиқ мухлислари озчилик эмас эди", қўшимча қилди OttomateEverything никли фойдаланувчи.

GOOGLE КАЛИФОРНИЯДА КЕЛАЖАК КАМПУСНИ ОЧДИ

Google компанияси Калифорнияда янги кампусини очди. Кампуснинг ўз қуёш панеллари ва геотермал тизими бор.

Кампус бинолари Маунтин-Вюда жойлашган. Футуристтик цирк чодирларини эслатувчи осма томларда 50 минг атрофида кичик қуёш панеллари ўрнатилган.




Янги кампус сувни тежайди, ундаги каби йирик геотермал тизим Шимолий Америкада йўқ.

Футуристтик кампуси билан Google ўз бош мақсадида янада яқинлашганини кўрсатди — 2030 йилдан тикланувчи энергияга тўлиқ ўтмоқчи. Ҳозир компания ишлатаётган энергиянинг 90 фоизи — "яшил энергия".

ҚУЁШ ҲАЛИ БУНЧАЛИК ЯҚИНДАН ТАСВИРГА ОЛИНМАГАН

Европа космик агентлиги (ESA) Қуёшнинг 4К-видеосини эълон қилди. Тасвири Solar Orbiter зонди олган.

Зонд 2022 йилнинг 26 март куни Қуёшга энг яқин (0,32 а.б.) масофага борди.




Видео олинган пайти Меркурий орбитаси ичкарисиди бўлган зонднинг иссиқлик экрани 500°C гача қизиб кетган.

Тасвирга олишда экстремал шароитта мосланган. Қуёшни 17 нм тўлқин узунлигида (Қуёш тохида миллион даражагача иссиқликда газдан тараладиган тўлқин узунлигига тенг) кўрсатувчи ултрабинафша телповизордан фойдаланилди.

Solar Orbiter қуёшни ўрганиш учун 2020 йил февралда учирилган автомат космик аппарат.

Халқаро ҳаёт

АҚШДА 18 ЁШЛИ ЎСПИРИН 21 КИШИНИ ОТИБ ЎЛДИРДИ



АҚШнинг Техас штатидаги бошланғич мактабда содир бўлган отишмада 18 бола ва уч киши, жами 21 одам ҳалок бўлди. Бу ҳақда Reuters хабар берди.

Техас штати сенатори Роланд Гуттиеррес маълумот беришича, мактабга ҳужумда гумон қилинган 18 ёшли Салвадор Рамос яқинда автоматлар сотиб олган бўлган. Штат губернатори Грег Эбботнинг сўзларига кўра, таълим муассасасида бўлганларга қарата ўт очишдан аввал Салвадор Рамос ўз бувисининг жонига қасд қилган.

АҚШ президенти Жо Байден отишма қурбонлари хотирасига 28 майга қадар Оқ уй ва барча ҳукумат бинолари, шу жумладан, хориждаги байроқларни ярмигача туширишни буюрди.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ УКРАИНА ИМПОРТИГА БОЖНИ БЕКОР ҚИЛДИ



Европа Иттифоқи кенгаши Украинадан молларни импорт божларисиз киритиш имконини берувчи қарорни қабул қилди. Йил давомида Украинанинг барча

товарлари ЕИ худудига божсиз киритилишига рухсат берилади. Украина ЕИга асосан ёғоч, кунгабоқар ёғи ва дон экспорт қилади.

Қарордан мақсад "Украина иқтисодиётини имкон қадар қўллаб-қувватлаш" экани таъкидланган.

Маълумотларга кўра, Россия қўшин олиб кирганидан бери (қарийб 90 кун бўлди), Украинадан 20 млн. тонна дон олиб чиқилган. Украина омборларида яна 20-25 млн. тонна атрофида дон сақланмоқда.

ЕИ ва АҚШ Украинада қолган донни очарчилик хавф солаётган мамлакатларга ёрдам сифатида жунатишмоқчи. Қолаверса, омборларни янги мавсум ҳосили учун бўшаатиш керак.

РОССИЯ ИТТИФОҚЧИЛАРИДАН ДОН ЭКСПОРТИНИ ЧЕКЛАШНИ ТАЛАБ ҚИЛДИ



Россия ЕОИИ давлатлари (Арманистон, Беларус, Қозогистон, Қирғизистон ва Россия) учинчи давлатларга дон экспортга квоталар ва божлар жорий этиши лозим, деган талабни илгари сурди.

Россия қишлоқ хўжалиги вазирлиги ЕОИИ мамлакатлари орқали Россия дони реэкспортининг олдини олмақчилиги таъкидланган, бироқ аслида бундан-да "залворли" мақсад кўзланаётганини билиб олиш қийинмас.

Россия ўз донини ЕОИИ мамлакатларига экспорт қилишни 30 июнга қадар таъқилаганди. Беларус эса бўғдой экспортни бутунлай тўхтатган.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги прогнозига кўра, бу йил Россия далаларидан 130 млн. тонна дон йиғиб олинади. Қолган иттифоқчилари ҳам ўзини ўзи дон билан таъминлаб, ортиқчасини сотиш имкониятига эга мамлакатлар.

ИҚТИСОДИЁТИ ЭНГ ТЕЗ ЎСАЁТГАН МАМЛАКАТ



БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти ҳисоботига кўра, 2022 йилда гачи секинлашса-да, Ҳиндистон иқтисодиёти дунёда энг тез ўсаётган мамлакат мақомини сақлаб қолади.

"Жаҳондаги иқтисодий вазият ва истиқболлар" ҳисоботида таъкидланишича, Ҳиндистон иқтисодиёти 2022 йилда 6,4 фоизга ўсади (2021 йилда ўсиш 8,8 фоиз эди).

Шунинг баробарида, Ҳиндистон юқори инфляция босими ҳамда шахсий истеъмол бозори ва сармоялар киришига тўсқинлик қилувчи меҳнат бозорининг нотекис тикланиши муаммосига дуч келади.

Юқоридаги ҳисоботга кўра, 2022 йилда Европа иттифоқи иқтисодиёти — 2,7 фоиз, АҚШ — 2,6 фоиз, Хитой — 4,5 фоиз ўсишга эришади. Жаҳон иқтисодиёти жорий йил якунлари бўйича ўртача 3,1 фоизга ўсиши кутиляпти.

ГЕБРЕЙЕСУС ЖССТ РАҲБАРЛИГИГА ҚАЙТА САЙЛАНДИ

Айни кунларда (22–28 май) 75-Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеяси бўлиб ўтмоқда. Унинг доирасида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) бош директори Тедрос Аданом Гебрейесус иккинчи беш йиллик мuddатга қайта сайланди. У 2027 йилгача ЖССТга раҳбарлик қилади.

Гебрейесус ЖССТ тарихида бир пайтнинг ўзида 20дан зиёд мамлакат томонидан илгари сурилган илк номзод бўлди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида аёлларга муносиб шaroит яратиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масаласи энг муҳим йўналишлардан бири сифатида бежизга белгиланмаган. Ушбу муҳим вазифалар ижросини тизимли тарзда ҳар бир маҳалла кесимида амалга оширишни таъминлаш мақсадида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилди. Республикадаги 9 минг 309та маҳалла раисининг хотин-қизлар ва оила бўйича ўринбосарлари лавозимлари қўмита тизимига ўтказилди ва ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими янгидан жорий қилинди.



ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Жорий йилнинг 1 март куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ва мустақамлаш, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, оилавий зўравонликнинг олдини олиш, гендер тенгликни қарор топтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар юзасидан видеоселектор ўтказилди. Йиғилишда давлат раҳбари 2022–2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш дастури қабул қилинишини қайд этиб, дастур доирасида пойтахтда асосан хотин-қизларни ўқитиш учун давлат-хусусий шерикчилик асосида тўқимачилик соҳасида алоҳида университет ташкил этилишини, жойларда унинг техникумлари ҳам очилишини, шунингдек, айти пайтда аёлларимиз улуши паст бўлган аниқ фанлар, техника ва ҳуқуқшунослик йўналишидаги ОТМларда хотин-қиз талабалар улуши ҳозирги 24 фоиздан 40 фоизгача етказилишини, бунинг учун ҳар йили хотин-қизларнинг талаба бўлишига квотанинг камида 50 фоизи аниқ фанлар, техника ва ҳуқуқшунослик йўналишлари учун мақсадли ажратилишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Президент таъкидича, янги ўқув йилидан бошлаб олийгоҳ, техникум ва коллежларда ўқиётган қизларга таълим контрактларини тўлаш учун, илк маротаба, 7 йил муддатга фоизсиз кредит бериш жорий қилинади. Бундан ташқари, таълим тизимида хотин-қизлар учун қуйидаги имкониятлар тақдим этилади:

- янги ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқиётган қизларнинг контракт пуллари тўлиқ бюджетдан қоплаб берилади (23 минг нафар қизларга 200 миллиард сўм);
- ҳар йили 50 нафар қиз нуфузли хорижий олийгоҳларга бакалавр ва ўн нафари магистратурага юборилади;
- ҳар бир вилоятда эҳтиёжманд оила

вакиллари, ота ёки онасини йўқотган 150 нафар қизнинг (жами 2,1 минг нафар) таълим контракти маҳаллий бюджетдан тўлаб берилади;

- ёш фарзанди бор талаба-қизларга ма-софавий ўқиниш шароити яратилади;
- докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300тадан мақсадли квота ажратилади.

2021 йил сентябр ойидан ўз фаолияти-ни бошлаган ТАТУ Нурафшон филиалида бугунги кунда биринчи босқичда 222 нафар талаба ўқишмоқда, шулардан 19 нафари қизлардир. Филиалда бундан ташқари 11та аёл ходимлар меҳнат қилишмоқда, уларнинг филиал бошқарувида тўлақонли иштирок этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги, гендер тенглигини таъминлаш учун тизимли ишлар олиб борилаётганини алоҳида қайд этишимиз зарур. Жумладан, филиалда Хотин-қизларни тайзиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш бўйича дастур қабул қилинган ва Хотин-қизлар маслаҳат кенгаши фаоли-яти ташкил этилган. Шунингдек, талаба қизлар учун “Ораста қизлар” тўғараги иш юритмоқда. Жорий йилнинг март ойида Зулфияхонимнинг 107 йиллиги муноса-бати билан талабалар ўртасида “Зулфия издошлари” маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. ТАТУда бўлиб ўтган кўрик ушбу танловда Нурафшон филиали жамоаси фаол қатнашиб, телекоммуникация те-хнологиялари йўналишининг 420–221 гуруҳ талабаси Чарос Ҳазратқулова 1-ўринни эгаллаганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Жорий Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йилида ҳам Нурафшон филиа-лидаги хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қар-ратилади. Бу борада бир қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиши режа-лаштирилган.

Н. НАСРУЛЛАЕВ,
ТАТУ Нурафшон филиали директори

Дахлдорлик туйғуси



ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК

Тинчлик, хотиржамлик, осойишталик – бу сўзларнинг замирида қатта маъно бор... Келинг, кўзимизни шунчаки ўн сонияга юмиб, “тинч-лик” деган сўзни ҳис қилиб кўрайлик.

Ҳўш, нималарни кўриб, нималарни фикр қил-дингиз? Болалар йиғисиними ёки қарол-аслаҳа, бомбалар овозини эшитдингизми? Яшаш учун фарзандини – жон жигарини кўтарганча югура-ётган оналар кўз ўнгингизга келмадими?..

Шукурларким, бизнинг жонажон Ватанимизда ундай эмас, тинчлик ҳуқм сурмоқда. Юртимиз-даги тинчлик кўнлар учун орзу бўлиб қолаётгани ҳам айти ҳақиқат. Узоққа бормайлик, орамизни биргина дарё ажратиб турган афғон юртига назар ташлайлик. Бир неча йилдирки, болалар йиғиси, оналар ноласи, оталар фарёди тингани йўқ бу юртда...

Тақдир бизни ҳаёт чорраҳаларида турфа воқе-аларга, яхши-ю ёмонга, таниш-у нотанишга рўпара қилади. Шундай вазиятларда оқни қорадан фарқлай олиб, ақл-тафаккур билан тўғри қарор қабул қилсак, шубҳасиз, марра бизники. Аммо бу борада ҳамма ҳам тўғри қарор қабул қила олмай-ди. Гап шундаки, дунёда бўлаётган талотўпларга тўғридан-тўғри аралашиб қолган тенгдошларимиз ҳам йўқ эмас. Кўзлари чиркин парда билан тўсил-ган бундай инсонларни кўриб беихтиёр Чингиз Айтматовнинг “Асрга тагиғулик кун” асаридаги ўз онасини отишга чоғланган манкурт Жўломон-ни эслайсиз. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, уларнинг манкуртлардан қандай фарқи бор.

Яқинда экстремистик ғоялар таъсири остида хориждаги турли террорчилик ташкилотлари са-фига қўшилиб қолган ва қилмишидан минг бир пушаймон бўлган бир гуруҳ ватандошларимиз республикамизга қайтарилди. Ачинарлиси, улардан 15га яқини вояга етмаганлардир.

“Биринчи ва охири озодлик” номли китобда шундай сатрлар бор: “Уруш муаммолари илгари ҳам бўлган, лекин кўпчилигимиз улар билан қи-зиқмаган эдик, чунки улар узоқ эди ва бизга шахсан – чуқур таъсир қилмади, лекин ҳозир уруш биз-нинг қўшни давлатларда, эшикларимиз орқасида ва кўпчиликнинг онгида ҳукронлик қилаётганга ўхшайди”. – Чиндан ҳам ушбу сўзлар туб замирида аччиқ ҳақиқат ётибди. Демак, ҳар биримиз юрти-миз дахлсизлигини кўз қорачиғимиздек асраб-а-вайлашимиз, тинчилигимиз, фаровон ҳаётимиз қадрига етишимиз керак. Зеро, доимо сергак ва огоҳ бўлиб яшасак, ҳеч қандай бузғунчи қучлар ўзининг қора мақсадларига эриша олмайди.

Биздан олдинги авлод вакиллари “Талабалик – олтин давр” деб ҳавасимизни келтиришган. Бугун биз шуни англаб етмоқдамиз, бу олтин даврни ол-тин қилиш ўз қўлимизда. Инсонийлик жиҳатидан ўзимизни камол топтириш учун фан ҳамда касбий соҳаларимизни пухта ўрганиб, шахсий ҳаётимиз-да умрбодлик тиргак ва дўст бўлувчи инсонларни саралаб олишимиз даврдир бу давр.

Мен талабаман, мен илмга чанқоқман. Илм инсонга яхшини ёмондан, оқни қорадан, тўғрини эса эғридан ажратишга кўмак беради. Атрофимизда бўладиган воқеалардан ҳулоса чиқариб, жамиятта, оиламизга, юртимизга наф келтира оладиган инсон бўлишимиз учун бор имкониятлардан фойдаланиш асосий мақсадимизга айланиши керак бугун.

Жамшид БАХТИЁРОВ,
Камолитдин МАРИПОВ,
ТАТУ Қарши филиалининг
1-босқич талабалари

ЭЛЕКТРОМОНТЁРЛИКДАН ЧИҚҚАН ТЕЛЕКОМЧИ УЗОҚҚА БОРАДИ



ёхуд адаш Баҳодиржонлар тақдири

Автобуста юришнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Бир неча дақиқалар ичида турфа инсонларни учратасиз. Бири кенгфезлиги, бири хушфазилати билан намоеъ бўлади. Табиати сиз учун мутлақо бошқача одамларга ҳам дуч келасиз. Аммо ҳар доим эмас. Баъзан кўз кўриб, кулоқ эшитмаганларига рўпара бўласизки, хайриятки, шундай одамларга ишда, қўшничиликда йўлиқтирмагани, дейсиз. Бу гал таассуфларким, шундай бўлди. Орқа ўриндиқдагилар қаторига кимдир келиб ўтирдию тинчликка раҳна етди. У, овозидан сезилди, ёш йигит экан, ён-веридагилар билан суҳбатга киришибоқ арзу додини бошлаб юборди. “Ҳокимиятга борасан – иш йўқ, маҳаллага борасан – иш йўқ. Бандлик деган жой эса, “хабар олинг”дан бошқасини билмайди...

Ёнимда ўтирган аёлнинг росманасига энаси қотди. “Бу боланинг оти Баҳодир. Бизнинг маҳалладан, – деди аста. – Ёши 35да. Умида бирон жойда ишламаган. Касб-хунар коллежини ҳам бориб-бормай тугатган. У ерда чилангарлик, кавшарловчиликни ўргатишган бўлса-да қўлидан ҳеч нарса келмайди. Биласизми, синглим, бу ҳатто томорқасига қарай демайди. Остонасигача ажриқ босиб ётибди. Томоғинга пучак чиққур еб-ичишдан бошқани билмайди. Ўтакетган ялқов! Онаси шўрлик Россияда фаррошлиқдан қийналиб топган пулини шунга юборади. Бу эса зарра ҳижолат чекмай ялло қилиб юрибди!” Аёлнинг мана шу охириги гапидан қоним қайнаб кетди. Азбаройи нафратдан қалбим жунбушга келганди. Аниқки, бу аёл ўзидан бир сўз қўшмади. Нимага ҳам қўшсин! “Оҳ” деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Наҳотки! – дейман. – Бошқа гапирманг. Шу пайт ўша нуска олдимиздан ўта бошлади. Бекатига етган, шекилли. Баланд бўйли бинойидек йигит-у шуни онаси боқса-я. Ё алҳазар!

У бесўнақай юрганча пулни ҳайдовчи томонга иргитиб тушиб кетди. Автобуста бир дам жимлик чўқди. Афтидан йўловчиларнинг ҳаммаси бунинг аслида кимлигини билади. Бироздан сўнг овозига қараганда ёши улуг отахон, гап қотди: “Жойлар жанаптада бўлин бобоси билан бўвиси меҳнаткаш одамлар эди. Роса ишлашарди. Томорқасига қарасангиз, кўзингиз қувонарди. Эссизгина, буни негадир эрка-тантиқ қилиб ўстиришди. Онаси Москвадан пул жўнатишнигина билди. Боласи ўқияптими, ўқимаяптими иши бўлмади. Мана, аҳвол. Яна уйлангиси кеб қолганичи бунинг! Тавба! Ишққмас, қўлида бир хунари йўқ бетайинга ким ҳам кизини берарди. Ҳеч ким”, – деди. Бошқа бир отахон

унинг гапини тасдиқлаган бўлди: “Э, бу гўрсўхта одам бўлмайди. Онаси келиб, зўрға заводга қоровулликка ишга киргизиб кетганди. Уч ойгина ишладими-йўқми, иш вақтида бир неча бор ухлаб қолибди. Қарабсизки, ишдан ҳайдалди-кетди. Яна бундақа кимсаларга завод ёмон...”

Ишлаган имкон топар, ишламаган баҳона, деб шунақаларга айтдиларда. Уйга кирганимда ҳам бу ёқимсиз воқеадан кўнглим хуфтон, тушуниксиз хижилликдан халос бўлолмасдим. Менга нима экан-а! У менга ким? Ҳеч ким! Ҳозир билаги кучга тўла, тоғни урса, талқон қилади. Лекин уни хануз онаси боқса, у она бечора кун келиб қарийди-ку, уни боқа олмай қолиши ойдек равшан! Шунга ақли етмайди бу бокибеғамнинг... Ҳамон ана шу ўйлар гирдобиде эдим, тўсатдан чалинган телефон қўнғироғи хаёлимни бўлиб юборди.

Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Раҳмонберди Қаримжонов экан. У саломлашиб, муддаога кўчди: Опа, ўзингизнинг ҳам хабарингиз бор. Қўли гул электромонтёрларимиз кўп. Хунарамдликда бири-биридан қолишмайди. Боғламамиз ва филиалимиз бинолари олдидаги композицион гулсаватчали бежирим устунларни кўрганмисиз? Ана шуларни ҳам бизнинг азаматларимиз ясашган. Бошлиқ ўз ходимлари ҳақида фахр-ифтихор, ҳайрат билан сўзлади.

– Ҳа. Зўр. Кўриб қойил қолдим, – дедим унга жавобан. – Жуда ажойиб! Демак, шаҳримизда ҳар бир корхона ва ташкилот ўз худудини гулларга буркаш бўйича баҳс бойлашибди. Қандай соз! Бир-биридан фарқ қилувчи бетакрор устунлар, уларга ўрнатилган саватчаларда яшнаб турган гуллар. Оқ, қизил, нафармон! Баҳри дилингиз яйрайди.

Барака топишсин! Тасанно!

Бошлиқ шу мавзунга ёритишимни истаяптими, десам йўқ, аслида мақсади бошқа бўлиб чиқди: Баҳодиржонимиз ҳам ана шу марду майдонларимиздан биттаси. Исми жисмига монанд баҳодиркелбат ўзим. У яқинда электровелосипед йигди. Бир кўринг...

Шу тобда зулматга чўмган қалбим бирдан ёришиб кетгандай бўлди. Хуллас, шу кунни Раҳмонберди Қаримжонов, боғлама муҳандиси Асилбек Бакировлар билан кабел хизмати электромонтёри Баҳодиржон Шухратовни саволларга кўмиб ташладик. (Таажжубларким, бу боланинг исми ҳам Баҳодир экан. Қандай тасодиф бу, билмадим). Бу қахрамоним бояги “буюк” танбалнинг мутлақо акси бўлиб чиқди. Ўз ишининг устаси электромотор ва дисплей (неча волтигини кўрсатиб турадиган) сотиб олибди, холос. Қолганини ўзи уddaлабди. 37 волтли батареякалардан аккумулятор ясаб, рамаларни профил трубалардан терибди.

– 36 волтда 25 километрча юравераман. Ўз худудимга бемалол етади, – дейди у.

Камтару камгап бу бола мақсадига осонгина етиб келмаган бўлса керак. Онаизор алоқа коллежи ўқитувчиси Маликахон Раҳимова оила

бошлиғи эрта вафот этиб кетгач, уювлон ўғилни ўзи оёққа қўйибди. Кенжа ўғли олий ўқув юрти талабаси экан.

– Бу қизиқиш сизда қачон пайдо бўлган, – деган саволимга шундай жавоб берди. “Мақтабда ўқиб юрган кезларим бир дақиқа ҳам бўш вақтим бўлмаган. Уйимиздан анча олисда жойлашган авиаконструкторлик тўғарагига қатнаганман. Бундан ташқари, Фарғона индустриал касб-хунар коллежида ўқиганим, машина техникаси билимларини олганим ҳам ҳозирги ишимда жуда кўл келмоқда. Биринчи ишим жуда оддий: икки гилдиракли велосипедни уч гилдиракликка айлантирганман. Энди навбат электромобилга...”

Дарҳақиқат, ҳар бир ёш йигит-қизнинг ўз хоббиси – қизиққан машғулот бўлади. Бироқ ҳамма ҳам ўз хоббисининг амалдаги “мева”сини гўзал бир тарзда тақдим эта олмайди. Бу самарга эришмоқ учун одамда кунт, меҳнатсеварлик, сабру қаноат каби кўникмалар устувор бўлмоғи шарт.

– Болалик чоғларингизда сизга конструктор ўйинчоқлар совға қилишганми, – сўрайман ундан: “Ҳа, бўлган. Мен ҳам ўғилларимга кўпроқ ақли ўйинчоқлар сотиб оламан. Каттам – саккиз ёшли Элбегим мана шу велосипедни йиғаётганимда килрик қоқмай диққат билан кузатиб турди. Худо хоҳласа, у ҳақиқий конструктор бўлади!”

Конструктор, лотинча сўз бўлиб қурувчи, муҳандис маъносини беради. Ўз бахтининг қурувчиси экан бу бола, дейман ичимда ҳавас билан. Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалида таъмир олиш учун кечаю кундуз ўқиб, изланган орзусига етибди. Соҳадаги фаолиятини электромонтёрликдан бошлашнинг афзал билибди. Филиалда электромонтёрликдан чиққан телекомчи узоққа боради, деган ёзилмаган қоида мавжуд. Бунга риоя қилмай бўладими? Асло!

Бир хил исмли йигитларнинг икки хил тақдир ҳақида менинг хулосаларим қуйидагича дея ёзишга тузгиндиму фикримдан қайтдим. Қисқаси, хулоса ўзингиздан, азизлар!

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Xabar”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

<p>Xabar</p> <p>MA'ASSIS:</p> <p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI</p> <p>Bosh muharrir: Abdug'ani ABDURAHMONOV</p>		<p>Tahrir Hay'ati: Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV, Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV, Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).</p> <p>Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda "Xabar" dan olinganligi ko'rsatilishi shart</p> <p>Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi. Bahosi kelishilgan narxda.</p>		<p>MANZILIMIZ:</p> <p>100000 Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy (Mo'ljal Oloy bozori). Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31. Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Obuna indeksi — 228.</p>	
<p>Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.</p>		<p>Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.</p>		<p>Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. Dizayner: Asliddin BO'RIYEV. Navbatchi: Solijon ZOIROV.</p>	
<p>Gazeta 559 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 3167</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Bosishga topshirildi — 17 °° Bosishga topshirish vaqti — 24 °°</p>			
<p>Viloyat muxbirlari:</p>		<p>Andijonda (74) 226-47-80</p>		<p>Buxoroda (99)854-7305</p>	
<p>Jizzaxda (94) 199-95-64</p>		<p>Namanganda (91) 353-71-25</p>		<p>Navoiyda (79) 225-91-10</p>	
<p>Nukusda 554-35-45</p>		<p>Samarqandda (91)557-84-44</p>		<p>Termizda (99)508-30-52</p>	
<p>Toshkentda 234-18-59</p>		<p>Urganchda (97) 211-65-05</p>		<p>Farg'onada (73) 244-18-05</p>	
<p>Qashida (93)931-08-99</p>					